

(71) 260-43-57 / (71) 205-81-33

4. ЖАРИМАВИЙ САНКЦИЯЛАР

- 4.1 Мазкур шартноманинг 2.2 бандида назарда тутилган тўлов муддатларни бузганлик учун Харидор Етказиб берувчига тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоизи миқдорда, лекин шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.2 Етказиб берувчи етказиб бериш муддатларни бузганлик учун Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоизи миқдорда, лекин ушбу маҳсулот баҳосининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.3 Мазкур шартнома тарафлари ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.
- 4.4 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалаларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш тутадилар.

5. ФОРС-МАЖОР

- 5.1 Тарафлар энгиб бўлмас куч (табiiй офатлар, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳукумат тақикловчи қарорлари) оқибатида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

6. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

- 6.1 Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш, қўшимча ва иловалар улар ёзма равишда тузилган, шартнома тарафлари томонидан имзоланган ва муҳрланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.
- 6.2 Етказиб берувчи Харидор реализация жараёнида ёки қабул қилинган маҳсулотдан учинчи шахс фойдаланганлиги натижасида Савдо ва молиявий (тўлов, ҳисоб-китоб, бухгалтерия ва х.к) қоидаларни бузганлиги учун жавобгар бўлмайди.
- 6.3 Ушбу шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.
- 6.4 Мазкур шартнома имзоланган пайтдан ва Ўзбекистон Республикаси Газначилик Худудий Бошқармасида рўйхатдан ўтгандан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабр гача амал қилади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

Харидор

«АВК-MEDICAL» МЧЖ
Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани,
Феруза мавзеси, 7 уй, 30 хонадон.
Тел: (71) 260-43-60, Факс: (71) 260-43-57
х/р: 20208000300847927001
АТИБ "Ипотека банк" ТШБ ОБ, Тошкент ш.
МФО: 00419
СТИР: 305341119
ОКЭД: 20200

Тижорат директори



VILOYAT KO'P TARMOQLI TIBBIYOT MARKAZI
URGANCH SH. Y.BOBOJONOV 1-TOR KO'CHA 2-YO'LAK
SHXR: 401421860334017073101054001
STIR: 201989052 XXTUT: 91511
O'Z.R.MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI
G'IR: 23402000 300100001010
MARKAZIY BANK TOSHKENT SI: BOSH BOSHQARMASI HKKM
MFO: 00014 STIR: 201122919

Ш.Ч. Эгамбергичев

Юридик хулоса

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21 моддасига биноан 200 минимал маош миқдордаги олди-сотди шартномага асосан ҳуқуқий текширув ўтказилиб натижада қуйидагилар аниқланди:

1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган 10, 24 – 34 моддалари талабларига жавоб беради.
2. Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 386 – 424 моддалар билан тартибга солинади.
3. Ҳисоб-китоб тартиби (олдиндан тўлов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонида мувофиқдир.
4. Тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси жорий қонунчилик талабларига мос келади.

Юридик маслаҳатчи

Юридик маслаҳатчи

[Signature]

[Signature]
Ражабов. э.с.